



## «CASHBACK 2.0» АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Cashback 2.0 акцияси (кейинчалик – Акция) «Tenge Bank» АТБ (кейинчалик – Банк) ҳамда Mastercard Europe SA (кейинчалик - Шерик) ҳамкорлигида реклама кампанияси доирасида амалга оширилади, бу мижозларни Банк ва Шерикга нисбатан садоқатини шакллантиришга, шунингдек «Tenge Bank» АТБ (кейинчалик – Mastercard) томонидан чиқарилган Mastercard банк карталарини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш, уларга бўлган қизиқишни сақлаш ва уларни бозорда тарғиб қилишга қаратилган.
2. Акция лотерея ёки бошқа таваккалчиликка асосланган ўйин эмас, иштирокчилар Акцияда иштирок этиш билан боғлиқ мулкӣ хавф-хатарларни ўз зиммаларига олмайди ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ўтказилади. Акция ўтказиш тартиби иштирокчилар томонидан тўлов киритилиши билан боғлиқ эмас ва Акциянинг мукофот жамғармаси фақат Банк ва Шерик маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.
3. Ушбу Қоидалар Акция ўтказиладиган шахслар доирасини, Акцияда иштирок этиш учун шартларини белгилайди ва уларни бажариш тартиби, кэшбэк тўлаш тартибини, шунингдек Акциянинг ўтказилиш муддатларини белгилайди.
4. Мазкур Қоидаларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган онлайн ва офлайн савдо майдонларида товарлар харид қилишга нисбатан қўлланилади.
5. Со списком МСС кодов, по котормым начисляется кешбэк, можно ознакомиться на официальном сайте Банка, в Индивидуальных условиях Акции Cashback 2.0 (далее – Индивидуальные условия) Кэшбэк ҳисобланадиган МСС-кодлар рўйхати билан Банкнинг расмий веб-сайтида, Cashback 2.0 Акциясининг Индивидуал шартларида (кейинчалик - Индивидуал шартлар) топиш мумкин.
6. Акциянинг ташкилотчиси Банк ҳисобланади.
7. Банкнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100007, Тошкент ш., Яшнобод т., Паркент к., 66-уй.
8. Банкнинг Контакт-маркази телефон рақами: 1245.
9. Банкнинг расмий сайти – [www.tengebank.uz](http://www.tengebank.uz)

### II. АКЦИЯНИНГ ЎТКАЗИЛИШ МУДДАТИ ВА ЖОЙИ

10. Акция Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилади.
11. Акциянинг ўтказилиш муддатлари тасдиқланган Индивидуал шартлар асосида белгиланади.
12. Банк Акциянинг амал қилиш муддатларига ўзгартиш киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бундай ўзгаришлар кучга киришидан камида 10 (ўн) иш куни олдин ўзининг [www.tengebank.uz](http://www.tengebank.uz) расмий сайтида эълон жойлаштиради.

### III. АКЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА УНДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ, КЭШБЭК ТўЛАШ ТАРТИБИ

13. Акцияда «Tenge Bank» АТБ мижози бўлган ҳуқуқӣ лаёқатга эга ва балоғат ёшига етган жисмоний шахслар, жумладан «Tenge Bank» АТБ томонидан чиқарилган Mastercard картаси эгалари бўлган (кейинчалик - Иштирокчи) Банк ходимлари, иштирок этиши мумкин, улар Акция давомида ушбу карталар орқали мазкур Индивидуал шартларда

- кўрсатилган МСС-кодлар бўйича рўйхатдан ўтган тўлов терминалларида бир ёки бир нечта харидни амалга оширган бўлишлари лозим.
14. Акцияда қуйидаги операцияларни Mastercard банк карталари орқали амалга оширган мижозлар иштирок этмайди:
    - Индивидуал шартларда кўрсатилмаган МСС-код бўйича рўйхатдан ўтган терминал орқали чакана савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида товарлар ва хизматлар учун тўловлар ва онлайн бўйича тўлов;
    - Картадан картага пул ўтказмалари (P2P);
    - Кассалар, банкоматлар ёки терминаллар орқали нақд пул чиқариш.
  15. Акция ўтказиш даврида ва ушбу Қоидаларга риоя қилган ҳолда, Акция Иштирокчилари «Tenge Bank» АТБ томонидан чиқарилган Mastercard Банк картаси орқали, Индивидуал шартларда кўрсатилган МСС-код бўйича рўйхатдан ўтган тўлов терминали ёрдамида амалга оширилган муваффақиятли тўлов миқдоридан, Индивидуал шартларда кўрсатилган миқдорда кэшбэк олади.
  16. Кэшбэк, Акциянинг тасдиқланган Индивидуал шартларига кўра, 1 (бир) календарь ойида Mastercard банк картасидан фойдаланган ҳолда ва Акциянинг Индивидуал шартларида кўрсатилган МСС-кодлар бўйича рўйхатдан ўтган тўлов терминаллари орқали товарларни харид қилиш бўйича амалга оширилган маълум сонидagi муваффақиятли операциялар учун тўланади. Шу билан бирга, 1 (бир) календарь ойи давомида битта банк картасига ҳисобланадиган кэшбэкнинг максимал миқдори Акциянинг Индивидуал шартларида белгиланган лимитдан ошмаслиги керак.
  17. Кэшбэк тўловлари Акция амал қилиш даври мобайнида ҳар ойнинг охириги банк иш кунида амалга оширилади.
  18. Кэшбэк, транзакция амалга оширилган «Tenge Bank» АТБ томонидан чиқарилган Mastercard банк картасига тўланади.
  19. Агар тўлов бекор қилинса (товар қайтарилса ёки қисман қайтарилса), ҳисобланган кэшбэк бекор қилинади ва Акция Иштирокчисининг кэшбэк ҳисобидан ечиб олинади.
  20. Товарлар қайтарилса (харид суммаси Иштирокчига қайтарилган ҳолда), Акция Иштирокчиси ушбу операция амалга оширилган Mastercard банк картасига пул маблағлари қайтарилган пайтда, аввал ҳисобланган кэшбэк миқдори қайтарилган товар қиймати миқдорида акцептсиз тарзда ечиб олиншига рози бўлади.
  21. Банк, «Tenge Bank» АТБ томонидан чиқарилган Mastercard банк картаси орқали амалга оширилган айрим харид операциялари юзасидан шубҳалар пайдо бўлган тақдирда, Иштирокчи ва Шерикга тегишли хабарнома юборган ҳолда, кэшбэк тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга.
  22. Банк, кэшбэкни асоссиз олиш мақсадида алдовчи ҳаракатларни амалга оширганликда гумон қилинган шахсларни Акцияда иштирок этишга йўл қўймаслик ҳуқуқига эга.
  23. Банк ўз хоҳишига кўра, Индивидуал шартларга ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бу ҳақдаги эълонни ўзининг [www.tengebank.uz](http://www.tengebank.uz) сайтида ушбу ўзгартишлар кучга киришидан камида 10 (ўн) иш куни олдин жойлаштирган ҳолда. Банк Акцияда иштирок этиш билан боғлиқ ҳолда Иштирокчининг келиб чиқиши мумкин бўлган зарарлари, харажатлари ва бошқа ҳар қандай йўқотишларини қопламайди ва товон тўламайди.
  24. Ушбу Акцияни ўтказиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар Банк ва Иштирокчи ўртасида ўзаро яхши ният ва тушуниш асосида музокаралар орқали ҳал этилади. Томонлар келишувга эриша олмаган тақдирда, низо Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суд томонидан кўриб чиқилади.
  25. Акцияда иштирок этиш билан Иштирокчи ўз иродаси ва манфаатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя қилиш шarti билиан Банкка Иштирокчининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга, улардан фойдаланишга, тарқатишга ва беришга ўз розилигини беради. Бу розилик, шахсий маълумотларнинг махфийлигини ва уларни қайта ишлаш жараёнида хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларининг бажарилишини шарт қилади.

26. Акцияда иштирок этиш фақат ушбу Қоидалар ва Акциянинг Индивидуал шартларида белгиланган барча талабларни шартсиз бажариш шarti билан амалга оширилиши мумкин.
27. Ушбу Акция бўйича олинадиган кэшбэчка боғлиқ солиқларни давлат бюджетига тўлаш Банк томонидан банкнинг ички норматив ҳужжатлари, Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

## **II. АКЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ АКЦИЯ ЎТКАЗИЛИШ ШАРТЛАРИ, АКЦИЯНИ ТЎХТАТИШ ЁКИ ТЕЗРОҚ ЯКУНЛАШ ҲАҚИДА ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

28. Акция Иштирокчиларига акциянинг шартлари ва ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотлар «Tenge Bank» АТБ расмий сайтида, шунингдек ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида, радио ва бошқа ОАВ орқали тарқатилади.
29. Акциялар ҳақида батафсил маълумотлар, шунингдек, Акция Қоидалари ва Индивидуал шартлар банкнинг расмий [www.tengebank.uz](http://www.tengebank.uz) сайтида жойлаштирилади.
30. Акция ҳақида қўшимча маълумотни қуйидаги рақам орқали ҳам олиш мумкин: 1245
31. Агар Акцияни тезроқ яқунлаш, муддатини узайтириш ёки Индивидуал шартларга ўзгаришлар киритиш ҳолати юз берса, тегишли маълумотлар банкнинг расмий [www.tengebank.uz](http://www.tengebank.uz) сайтида белгиланган тартибда жойлаштирилади.